ҒЎЗА НАВЛАРИ ДАВЛАТ НАВ СИНОВИ

Ғ.Н.Жўрақулов, Х.Ю.Тўйчиев, М.Ш.Жайнақов

Мақолада ғўза нав синовининг умумий тавсифи берилиб, навларни тўғри танлаш масалалари ва навдорликни белгиловчи кўрсаткичлар ёритилган.

Калит сўзлар: *нав, дурагай, селекция, реестр, морфологик кўрсаткичлар.*

В статье дано общее описание испытания сортов хлопчатника, освещены вопоросы правильного выбора сорта и приведены показатели, определяющие его сортность.

Ключевые слова: *сорт, гибрид, селекция, реестр, морфологические показатели.*

This article deals with the general description of experiments made over the right selection of better sorts of cotton

Key words: *sort, hybrid, selection, register, morphological signs.*

Республика Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси 1937 йилда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2002 йил 17 октябрдаги 169-сонли “Қишлоқ хўжалик экинлари навларининг синовини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғига асосан, у барча экин навларини Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида (грунт контроль) белгиланган услублар асосида синайди ва юқори ҳосилли, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳсулот сифати юқори бўлган навларни танлаб олиб, ишлаб чиқаришга жорий этади. Бўлажак ҳосилнинг юқори ва сифатли бўлиши кўп жиҳатдан навларни тўғри танлаш ва уларни минтақалар бўйича оқилона жойлаштиришга боғлиқдир.

Маълумки, янги навлар асосан стресс ҳолат фонди асосида яратилади. Олимларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган изланишлари эса давлат нав синови муддатини белгилаб бериш ва тавсия этиш назариясига қаратилгандир.

Ғ.Н.Жўрақулов *– АДУ экология ва ботаника кафедраси доценти, биология фанлари номзоди;*
Х.Ю.Тўйчиев *– шу кафедра доценти, биология фанлари номзоди;*
М.Ш.Жайнақов *– АДУ ботаника мутахассислиги магистранти.*

H.L.Manning (1955, 1956) ғўза ўсимлигида гуруҳ ажратмаларга ажратиш асосида популяцион таҳлил услубини қўллаб изланишлар олиб борган бўлса, M.H.Arnold (1972) ўз изланишларида бу услубни самарасиз деб ҳисоблаган [4,5,6]. Лекин шунга қарамасдан, популяцион таҳлил услубини Тошкент-1 нави мисолида 17 та белги ҳисобида 3 та гуруҳга ажратиб, вариацион, дисперсион ва корреляцион ҳисоблаш ишларини ўрганган ва ижобий, юқори иқтисодий натижалар олишга эришган. Ю.П.Алтухов (1983, 1989) томонидан бу услуб илмий тадқиқот ишларида қўллашга тавсия этилган [1,2]. Давлат нав синов минтақаларига тавсия қилинаётган навлар популяцион структурасининг нечта морфобиологик биотиплардан иборатлиги ва уларнинг қандай гомеостаз ҳолати хўжалик белгилари билан самарадорликни белгилаб туришини кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқдир [3].

Бугунги кунда Давлат комиссиясида 5 та бўлим, 2 та лаборатория ҳамда Республикамизнинг турли хил тупроқ-иқлим шароитида жойлашган 13 та давлат нав синаш станцияси ва 36 та давлат нав синаш участкалари мавжуддир. Шу жумладан, сувли майдонларда техник экинлар бўйича 32 та, бошоқли дон экинлари бўйича 16 та, мева, сабзавот, полиз ва картошка экинлари бўйича 13 та; лалми майдонларда 4 та нав синаш шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган ва 2002 йил янгидан таҳрир қилинган “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги ҳамда “Уруғчилик тўғрисида”ги қонунларида Давлат комиссияси Республикамизда ва хорижда яратилган барча селекцион янги навларнинг ҳимояга лаёқатлилиги ва хўжаликда фойдалилигини аниқлаш бўйича Давлат синовларини ўтказиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритиши белгилаб қўйилган.

Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан таклиф қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинларини Давлат реестрига киритиш ва Давлат реестридан чиқариш бўйича Эксперт комиссиялари аъзолари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи билан тузилади.

Эксперт комиссиялари аъзолари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган эксперт комиссиялари тўғрисидаги Низомга қатъий амал қилишлари шарт.

Навларни Давлат реестрига киритиш ва ундан чиқариш Республика Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг қарори асосида, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик Вазирининг буйруғи билан амалга оширилади.

Республикамизда ёки чет элда яратилган нав Давлат нав синовидан 3 йил мобайнида ўтиши шарт.

Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг ҳамда унинг таркибидаги нав синаш станция ва участкаларининг асосий вазифалари синов жараёнида юқори хосилдорликка эга, қимматли сифат белгилари, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги билан ажралиб турадиган қишлоқ хўжалик экинлари янги навларини ҳар томонлама баҳолашдир.

Давлат комиссияси икки хил йўналишда навлар ва дурагайларини синовдан ўтказади:

1. Қишлоқ хўжалик экинлари навлари ва дурагайларини хўжалик белгилари бўйича синайди.

2. Қишлоқ хўжалик экинлари навлари ва дурагайларини янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонлари бўйича Патентга лаёқатлилигини синайди.

Бунинг натижасида пахтачилик соҳасида ҳам сифат ўзгаришларига эришилди. Ҳозир Ўзбекистон пахта толаси ўз сифатига кўра дунёда энг олдинги ўринларда туради, шунинг учун унга талаб беқиёс.

Мустақиллик йилларида ғўзанинг бир қанча янги навлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Масалан: АН Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, Бухоро-6, Омад, Хоразм-127, С-6541, Бухоро-8, Андижон-35, -36,-37,Сурхон-9, Султон ва бошқа навлар шулар жумласидандир.

Ғўза навларини синаш.

Янги яратилган ғўза навлари Давлат комиссиясида навдорлиги (морфологик кўрсаткичлари) бўйича баҳоланади ва навдорлиги 100 фоиздан юқори бўлганда Давлат синовига қабул қилинади.

Ғўза навлари Давлат синовида қуйидаги асосий кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

1. Пахтанинг умумий ҳосилдорлиги.
2. Толанинг умумий ҳосилдорлиги.
3. Пишиш муддати.
4. Вегетация даври.
5. Бир дона кўсакдаги пахта вазни.
6. Касаллик ва зараркунандаларга бардошлилиги.
7. Ғўзанинг ётиб қолишга мойиллиги ва пахтанинг чаноқдан тўкилиш даражаси.

Пахта толасининг сифат кўрсаткичлари қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

1. Пахта толасининг чиқиши,
2. Штапель узунлиги

3. Чизиқли зичлиги
4. Солиштирма узилиш кучи
5. Калта толачаларнинг миқдори.
6. Микронейр кўрсаткичи
7. Пахта толаси типи

Ишлаб чиқариш синови тажрибаларида ғўза навларининг юқорида санаб ўтилган барча кўрсаткичлари билан биргаликда уларнинг саноат технологияси бўйича ишлаб чиқаришга мойиллиги ва пахта хом ашёсининг сифати бўйича ҳам баҳоланиши мумкин.

Синов тажрибага экилаётган янги навларнинг чигитлари оддий сеялкаларда экилган тола қолдиғи табиий тукли чигитларда – 0,8%, табиий туксиз чигитларда – 0,4% дан ошмаслиги керак.

Замонавий сеялкаларда, яъни уруғни белгиланган миқдорда санаб ташлайдиган мосламалар ёрдамида экилганда уруғлик чигит кимёвий ёки механик усуллар билан туксизлантирилиб, элакдан ўтказилади (калибрланади). Бунда тук қолдиғи 0,3% дан ошмаслиги керак.

Тажрибалар ҳисоб юритиладиган 50 кв.м. майдончаларда 2-3-4 ярусда 4 такрорда экилади.

Майдончалар тўрт қаторли бўлиб, нав синаш участкаси хизмат кўрсатадиган минтақада қабул қилинган қатор оралиғига тенг бўлиши ҳамда бош қисми ва охирида 2 метрлик ҳимоя майдончаси бўлиши талаб этилади. Тажрибанинг икки четида узунасига стандарт нав экилган биттадан майдонча жойлаштирилади.

Навлар пишиш муддатлари бўйича эртапишар ва ўртапишар гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ ўзига тегишли стандарт нав билан таққосланади, ҳар бир гуруҳда навлар рендомизация услубида жойлаштирилади.

Экишдан униб чиққунгача бўлган даврда тўлиқ ва бир текис кўчатлар ундириб олишга қаратилган тадбирларни олиб бориш ҳамда доимий равишда уларнинг ҳолати ва сифатини назорат қилиш зарур.

Тўлиқ кўчатлар ундириб олингач, ип тортилиб, ярусларнинг боши ва охири белгиланади.

Тажриба даласига ва майдончаларига кириш учун 1 метрдан кам бўлмаган йўлакчалар қолдирилади.

Навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлмаган табиий офат (дўл, сел ва бошқа) натижасида кўчатлар сийрак бўлиб қолганда, қўшимча ва қайта экиш мумкин.

Кўчатларнинг сийраклиги навларнинг биологик хусусиятларига (дала унувчанлиги паст, касалликларга чалиниш ва бошқ.) боғлиқ бўлса, қўшимча экиш ўтказилмайди.

Янги ғўза навларининг Давлат синовига ҳар бир ғўза нави учун 5 кг дан, ишлаб чиқариш синовида эса ҳар бир ғўза навидан 100 кг уруғлик чигит сарф қилинади.

Касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини аниқлаш учун яъни Энтомофито тажриба синовига ҳар бир ғўза нави уруғидан 2 кг дан юборилади.

Янги ғўза навлари уруғлари оригинаторлар томонидан Давлат комиссиясининг тақсимотномаси асосида нав синаш станция ва участкаларига 1 мартга қадар етказиб берилиши шарт.

Ҳар бир янги ғўза навини конкурс синовига топширишда оригинаторда мазкур навнинг уруғи 500 кг дан кам бўлмаслиги керак.

Давлат нав синов муддати эса синалаётган навнинг ўша географик минтақага мос келиши ва стандарт навга нисбатан юқори кўрсаткич кўрсатиши билан давом эттирилади ва ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

Адабиётлар:

1. Алтухов Ю.П. Генетические процессы в популяциях.- М.: Наука, 1983.
2. Алтухов Ю.П. Генетические процессы в популяциях. - М.: Наука, 1989.
3. Тўйчиев Х.Ю. Айрим ғўза нав ва тизмаларининг популяциялари ичидаги биотипларининг морфобиологик ва хўжалик белгиларининг мувозанатлиги.: Биол.фан.номз ... дисс.автореф.. – Т., 2010.
4.Arnold M.H. Modal selection in BP-52. // Cotton Grow. Rev. 1972. - Vol. 49. - P. 107-125.
5.Manning H.L. Response tuselektion for yield in cotton // Cold Spring Harbor Simp Quant. Biol. 1955.
6.Manning H.L. Yield improvement from a selektion index technique with cotton. // Harbiti. 1956.

2014 йил 29 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: б.ф.н. Э.Ю.Рўзиматов)